

Тадқиқотчи Дехқонова М.А.

Қува шаҳри тарихини ўрганишнинг айрим масалалари.

Ушбу илмий мақолада Қува шаҳри тарихи, унда олиб борилган археологик қазилма ишлар натижалари, қадимги Қувада ҳунармандчиликнинг металлга ишлов бериш, шишасозлик, кулолчилик, заргарлик каби турлари, кимё, астрономия каби фанларнинг ривожланганлиги ҳақида сўз юритилади

Некоторые вопросы в изучении истории города Кувы.

Дехканова М.А.

В данной статье рассматривается история города Кувы, приводятся результаты археологических раскопок древнего города, подтверждающие данные о высоком развитии науки и культуры.

В частности, найденные материалы подтверждают, что в Куве были развиты такие ремёсла, как металлобработка, ювелирное дело, изготовление стекло, ганчарное дело. Развивались химия, астрономия и другие науки

Some problems of history studyins of Kuva region.

Dehkonova M.A.

The article deals with the latest archeopological work, that proofs a highly developed level of its science and culture. Actually, obtained materials cerlify that juwelery, hottery snd glassmakr building . There were widely developed trades as. Also there weredeveloped sciences like chemistry and austronomy.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви, тарихимизни холис, илмий ёритишнинг эшикларини очиб берди. Бу эса Ватанимиз ҳудудида қадимда мавжуд бўлган жойларнинг асл тарихини ўрганиш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда асосий омил бўлмоқда. Фарғона водийсидаги ана шундай жойлардан бири бу Қува шаҳристонида. Қува шаҳри тарихий манбааларда Қубод ёки Қубо деб аталиб, кейинчалик “Қува” номини олган.

Ўтган асрнинг 30 – 50 йилларида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида Қува шаҳристони дўнгликлари остидан қадимий йирик шаҳар қолдиқлари яширинганлиги аниқланди. Кейинчалик, 1956 йилда Я.Ғуломов бошчилигидаги В.Д. Жуков, У. Ахроров, В.А. Булатова, А. Мухаммаджонов, Х. Мухаммедов ва М. Аминжоновалар иштирокида йирик археологик тадқиқот қазилма ишлари бошланиб, у 15 йил давом этади. Шунингдек, 1998 йилда Аҳмад Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш вақтида олиб борилган археологик текширувларда 8 метрдан зиёд чуқурликдан эрамиздан аввалги II-I асрларга оид буюмлар топилиб, шаҳристоннинг учта дарвозалари ўрнилари аниқланди. Шаҳристонда турар жой харобалари мажмуаси, шимолроқ томондан эса VII-VIII асрларга оид будда ибодатхонаси, будда хайкаллари, зардуштийлик ибодатхонаси харобалари топилади. Мазкур топилмалар шуниси билан диққатга сазоворки, бу (Кушон империяси) даврида Будда дини, зардуштийлик ва бошқа маҳаллий динлар билан ихтилоф ёки қўшилиб кетишлик эмас, балки толерантлик- яъни динлараро бағрикенглик, маънавий мусобақа мухити мавжудлигини кўриш мумкин. Шунингдек, бронза ҳайкалча, реторта (ноқ шаклидаги бўғзи тор узун шиша идиш), ичи бўш

маймун ҳайкалчаши, гулдон ва 100 дан ортиқ янги археологик топилмалар топилади.

Гулдон ҳозирги Риштон кулоллари ясайдиган идишлардан тубдан фарқ қилиб, шакли билан ҳам, гул ранглари билан ҳам ажралиб туради. У оқ, қора ва жигарранг билан сирланган. Реторта эса тиббий мақсадлар ёки алкимёда ишлатилган идиш деб тахмин қилинади.

Шишадамгар юпка пуфлаб ясалган шиша идиш бўлиб, нозик бўлса ҳам жуда яхши сақланганлиги билан кишини ҳайратга солади. Яна бир диққатга сазовор топилма бу - пахта толасидан тўқилган матонинг топилишидир. Қувада қадимда пахта етиштириш мавжудлигини, бу эса деҳқончиликнинг бир тури пахтачиликка ихтисослашганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари темирчилик, кулолчилик, шишадамгарлик, кўнчилик каби ҳунармандчилик дўконлари топилганлиги - илм фан ва маданиятнинг ҳар томонлама ривожланиши учун асос бўлганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги фикрга қўшимча қилиб, яна шуни таъкидлаш жоизки, диний маросимлар тарихда тақвим (календарь)нинг мукаммал бўлишини тақазо этар, бундан кўриниб турибдики, астронимия фанининг ҳам бу даврда етарлича ривожланганлигини кўрамиз. Мазкур диний толерантликни ўша давр аجدодларимиздаги диний фалсафий – этник дунёқараш ҳам юқори савияда бўлганлигига муболаға қилиб бўлмайди.

Археологик қазилар ишлари жараёнида шиша эритиш ўчоғи, унда қотиб қолган шиша массаси ва сифатсиз тайёрланган маҳсулотлар қолдиқларининг топилиши, шиша тайёрлаш устахонаси ҳам мавжуд бўлганлигини билдиради. Топилмаларнинг таркибини замонавий усуллар билан ўрганиш эса ўша давр технологиясининг мукаммал бўлганлигини исботлайди. Айниқса, турли ўлчовдаги оёқ(бокал)ларнинг, қадах ва графинларнинг кўп сонда ишлаб чиқарилиши эътиборга лойиқ. Қувалик усталар шишаларни кўк рангда ишлаб, беагини нозик шиша “ип” билан беаганлар. Ҳаттоки, дераза учун шиша ишлаб чиқарилганлиги (XII аср) аниқланган.

Европада шишалар XIV асрда ясала бошланган. Бизнинг юртимизда эса бу технология анча илгари ривожланган. Қувалик ҳунармандларнинг юксак бадиий дидига ҳайрат билан қарамай илож йўқ. Ўрта асрларда Қувада яшаган шишадамгарлар рангли шишадан заргарлик буюмларидан тортиб, бешик тувагигача ясаганлар. Хитой манбаларида ёзилишича, рангли шиша Хитойга Марказий Осиё, хусусан Фарғонадан келтирилганлиги Шаҳристондан I-VII асрларга оид кимёвий текширув идишлари қолдиқларини топилиши кимё фанининг ривожланганлигидан дарак берса, олтин, мис, темир симоб каби металллар қазиб олиш, улардан пухта қурол – яроқлар, зебу – зийнат буюмлари яшаш авж олганлигидан далолат беради.

Археологлар Қувани Фарғонанинг пойтахти - Ахсикентдан ҳам йирикроқ бўлганлигини исботлаб, ҳатто Қувада X асрда зарбхона ҳам бўлганлигини, бронзадан зарб қилинган тангаларнинг ўнг томонига сўғд ёзувида туркий унвон – “ҳокон” деб ёзилганлигини аниқлайдилар. Шунингдек тангалар мисдан ҳам зарб қилинган, лекин уларнинг ўлчами кичикроқ бўлган. Бу эса ўз навбатида, шаҳар минтақанинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Бу даврда хаттотлик санъати ҳам хоразм турк, сўғд ёзувларида намоён бўлди. Мазкур ёзув - фан ва маданиятни янада юксалишига олиб келди. Ўша даврда бошқа мамлакатлардан келадиган карвонлар сони узилмас эди. Савдогарлир Арабистондан тортиб Хитойгача савдо – сотиқ қилар эдилар.

“Илм – фан, маданиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг қай даражада ривож топганлигини ўзига хос маданиятга, кучли давлатчилик тизимига эга халқларга дуч келган Искандар Зулқарнай (Александр Македонский) турли халқ урф одатлари ва маданиятига катта ҳурмат билан қараб, хатто “варварларнинг” миллий кийимларини кийиб юришни ўзига маъқул кўрди, македон жангчиларига ҳам ерли халқ урф -одатларини ўрганишларини таъкидлади”- деб ёзади тарихчи Плутарх.

Хулоса ўрнида шуни маълум қилишимиз мумкинки, археологик топилмалар Қуванинг ёшини 2,5минг йилга тенг дейишга тўла асос бўлишини исботлайди.

Адабиётлар:

1. Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди. Р.Ж. Тожиев, А.Йўлдошев, Ш.Д.Султонов, Т., “Фан” 1998. 3-5 бетлар
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Т., Давлат миллий нашриёти 126-128 б.
3. Қ.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова “Ўзбекистон тарихи” Т., “Иқтисод-молия” 2006

Фарғона политехника институти “Ўзбекистон тарихи”
кафедраси ката уқитувчиси
тадқиқотчи Дехқонова М.А.